

---

## Туман ҳокими мактаб директорлари билан учрашди

Олтиариқ тумани ҳокими Шамсиддин Турдалиев тумандаги умумтаълим мактабларининг директорлари билан учрашди. Унда ўқитувчиларни улуғлаш Давлат сиёсатининг энг юқори даражасига олиб чиқиладигани, шунингдек, таълим соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани алоҳида таъкидланди. Барча устоз-мураббийлар Олтиариқ тумани халқ таълими мудирлари этиб янги тайинланган Муҳиддинжон Тешабоев билан биргаликда туманимизда билимли ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, мактабларда илғор интерфаол усуллар орқали ёшларни дарсларга кенг жалб этиш, мактаб битирувчиларини олий ўқув юр்தларига кириш кўрсаткичини юқори поғонага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги айтиб ўтилди. Тадбир давомида туман ҳокими Президент соврини учун ўтказилган "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" республика танловининг туман босқичида фахрли 1-ўринни эгаллаган 1-ИДУМ жамоасига 100 млн сўмлик, 2-ўринни эгаллаган 14-мактаб жамоасига 75 млн сўмлик ва 3-ўринни эгаллаган 21-мактаб жамоасига 50 млн сўмлик пул мукофотларининг сертификатларини топширди.

2022-03-19 08:22:04